

**«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари»
акциядорлик жамиятининг
Бошқарув раисининг
2022 йил “28” июндаги
151-сонли буйруғига
асосан тасдиқланган**

**«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти
ходимларининг этика ва коррупцияга қарши қурашиш соҳасида ўқитилишини
ташкил қилиш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) ходимларининг этика ва коррупцияга қарши қурашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.

2. Ушбу Йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиласидиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг хуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг бошқа ички хужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

3. Жамият ходимларини этика ва коррупцияга қарши қурашиш соҳасида ўқитиш (кейинги ўринларда – Ўқитиш) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

2-боб. Ўқитишнинг асосий тамойиллари

4. Жамият ходимларини Ўқитиш қўйидаги тамойилларга асосланади:

холислик ва илмийлик – этика ва коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги ўқув материалларни тайёрлаш учун масъул шахслар уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, халқаро стандартлар ҳамда этика ва коррупцияга қарши қурашиш назарияси ва амалиётига доир илмий тадқиқотлар натижаларига мувофиқлигини таъминлайди;

амалий жихатдан қулайлик – Жамият ходимларини Ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асосланиши, шунингдек ходимлар томонидан олинган билимларни тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш имкониятини назорат қилинишини ўз ичига олиши лозим;

кетма-кетлилик ва тизимлилик – этика ва коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги ўқув материаллари, шунингдек Жамият ходимларини ўқитиш тартиби изчил ва тузилмавий-мантиқий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий тушунчалар ва воқеликлардан жузъийларига, оддийдан мураккабга, бошланғичдан мукаммалга ва ҳ.к ўтиш асосида амалга оширилади;

хаммабоплик – Ўқитиш Жамият ходимларининг жорий билимлари ва кўнималарини ҳисобга олиш, Жамиятнинг барча ходимлари учун тушунарли бўлган ўқув материаллирини шакллантириш;

дифференциаланган ёндашув – Жамиятда коррупцияга қарши ўқитиш аниқ функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини ҳисобга олади. Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар коррупцияга қарши қўшимча равища маҳсус ўқитилади;

ўқитиш усуллари ва шаклларини доимий равища такомиллаштириш – Жамият ўқув материалларини ишлаб чиқиши, ўқитиш, шунингдек Жамият ходимлари томонидан билимлар ўзлаштирилганини текшириш вақтида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қиласди.

3-боб. Ўқитишнинг устувор вазифалари

5. Ўқитиш шакллари ва усулларини аниқлашда, шунингдек этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини шакллантиришда Жамият ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш учун масъул шахслар қўйидаги устувор вазифаларга таяниши лозим:

коррупция моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, Жамиятнинг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва заарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамиятнинг Коррупцияга қарши кураш сиёсати билан белгиланган этика ва коррупцияга қарши хулқ-атворнинг аҳлоқий қадриятлари ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилишга асосланган хулқ-атвор моделини шакллантириш;

Жамият ходимларини Жамиятда амал қилувчи коррупцияга қарши кураш тамойиллари, талаблари ва тартиб-таомиллари билан таништириш;

коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш, коррупциявий хулқ-атвор, Жамиятнинг этик хулқ-атвор қоидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш.

4-боб. Ўқитишни ишлаб чиқиши ва ўтказишга масъул шахслар

6. Жамиятнинг Кадрлар тузилмалари Жамият ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиши, ўқитиш, шунингдек Жамиятда бундай ўқитишни мониторинг ва назорат қилиш учун масъулдир.

7. Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) Жамият ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ўқув материалларни ишлаб чиқади, Ўқитиш ўтказилишини мувофиқлаштиради.

8. Жамиятнинг Кадрлар тузилмалари Ўқитиш интизоми ва унга доир ахборотлар йиғилишини назорат қиласди.

9. Жамият Ички назорат тузилмаси ва Кадрлар тузилмаси тегишли тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий Жамиятлар билан тузилган шартномалар (Жамиятда белгиланган тартибда) асосида ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда Ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

5-боб. Ўқитиш турлари ва шакллари

10. Ўқитиш қўйидаги ўқув дастурларини кўзда тутиши лозим:
барча ходимлар учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш;
Жамият ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш;
коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш;

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш.

11. Умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва Жамият тизими ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

12. Жамиятнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш амалий йўналтирилган бўлиши ва қўйидаги янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд билимларни такрорлаш имкониятини яратиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги, Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш масалалари, жумладан ўрнатилган таъқиқлар, чекловлар, хуқуқ ва мажбуриятлар, хизмат хулқ-атворига қўйилган талаблар, Жамият ходимларининг коррупциявий ҳаракатлари аниқланганда ҳаракатлар кетма-кетлигига доир ички ҳужжатларини билиш;

коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши бошқа талаблар соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир билимлар;

олинган билимларни қўллаш кўникмалари, жумладан Жамиятнинг турли фаолият соҳаларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилияти, Жамиятда ўрнатилган коррупцияга қарши кураш чораларини амалиётда қўллай билиш.

Коррупцияга қарши умумий ўқитиш материалларига киритиш учун мазкур Йўриқномага 1-иловада келтирилган мавзуулардан фойдаланиш тавсия этилади.

13. Жамият ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш Жамиятнинг барча ходимлари учун амалий йўналтирилган бўлиши ва Жамиятда қабул қилинган этика тамойиллари ва қоидаларига доир янги билимларга эга бўлиш ёки бор билимлар такрорланишини таъминлаши лозим.

14. Жамият ходимлари умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва Жамият ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари натижалари бўйича ўрганилган материал қанчалик ўзлаштирилгани ва тушунилганлиги ҳамда олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилган тест синовлари топшириши лозим.

15. Жамият ходимлари саволларнинг камида 80 фоизига тўғри жавоб берган тақдирда коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Жамият ходимларининг этик хулқ-

авори қоидаларини муваффақиятли ўзлаштирган ҳисобланади. Агар ходим саволларнинг 80 фоизидан камига тўғри жавоб берган бўлса, у такорий тест синовларини тест топширган кундан бошлаб 5 иш куни ичидаги топшириши мумкин.

16. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун маҳсус коррупцияга қарши ўқитиш коррупцияга қарши умумий ўқитишдан мустақил (кўшимча) равишда ўтказилади.

17. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Давлат органлари ва Жамиятлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ шакллантирилади.

18. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш қўйидагилар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим:

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуслари;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;

учинчи шахслар билан ўзаро алоқа қилишда коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомилларга хос бўлган коррупцияга қарши талаблар;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функцияларни амалга оширишда қўлланиладиган кўшимча талаб ва тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи ички хужжатлар.

19. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш йилига камидан бир марта малака ошириш шаклида (семинар, тренинг ва бошқа) коррупцияга қарши кураш соҳасидаги эксперталарни жалб қилиш, шунингдек бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли учинчи шахслар (Жамиятлар) томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш орқали ўтказилади.

20. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илгор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим.

21. Ушбу Йўриқноманинг 19 бандида кўрсатиб ўтилган малака ошириш ва тренинглардан ўтиш йилига камидан 10 (ўн) соатни ўз ичига олиши лозим.

6-боб. Ўқитиш муддатлари ва даврийлиги

22. Ўқитиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички хужжатларида кўзда тутилган мажбурий малака ошириш доирасида ўқитиш, учинчи шахслар билан қўшма конференциялар, йиғилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилади.

23. Жамият ходимлари этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида йилига камида бир марта ўқитилади.

24. Жамият ходимлари қўйидаги ҳолларда коррупцияга қарши курашиш бўйича йилига бир мартадан кўп ўқитилади:

ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

лавозимга тайинланганда ва ротация қилинганда, агар шахснинг янги лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса;

Жамиятда коррупциявий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда ёки амалга оширилаётган функция/тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатар даражаси ортганда;

Жамият раҳбари қарорига мувофиқ.

25. Жамиятга ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар ишга кирган ёки янги лавозимга ўтган вақтдан бошлаб 30 кун ичida коррупцияга қарши ва Жамият ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитилиши шарт.

Ўқув санасини белгилашда этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишнинг тасдиқланган йиллик жадвали, гуруҳда бўш ўринлар борлиги (кундузги ўқув шакли учун) ва мазкур Бобнинг 22-23 бандларида кўзда тутилган ўқитиш муддатлари ва даврийлигига амал қилиш зарурати хисобга олинади.

Кейинги коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Жамият ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш барча ходимлар учун Кадрлар тузилмаси томонидан йилига бир мартадан кам бўлмаган даврийлиқда белгиланади.

26. Ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб тургани билан боғлиқ ҳолатларда ёки ходим шундай лавозимга тайинланганда маҳсус коррупцияга қарши ўқитиш этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишнинг йиллик жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

27. Кадрлар тузилмалари ҳар йили Ўқитиш жадвалини тузади ва 31 декабргача уни Жамият раҳбари тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ўқитиш жадвалини тузишида ходимлар томонидан олдинги ўқитиш муддатлари хисобга олинади.

Ўқитиш жадвалида албатта ўқитиш курси номи, санаси, шунингдек ўқитиш тайинланган лавозимлар кўрсатилади.

Тасдиқланган жадвалга мувофиқ Кадрлар тузилмасининг масъул ходимлари ўқитиш бошланишидан 10 иш кун олдин ходимларни хабардор қиласи. Белгиланган муддатда ўқиш имконияти бўлмаса (кундузги ўқув шакли учун, масалан юкори мавсумий юклама, касаллик варақаси, режалаштирилган таътил сингари асосли сабаблар), ходим ўқиш бошланишидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай ўқишни бошқа санага кўчириш мақсадида Кадрлар тузилмасини огоҳлантириб қўйиши лозим.

7-боб. Ўқитиш интизомини назорат қилиш ва хужжатларни сақлаш

28. Кадрлар тузилмаси Жамият ходимларининг этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитилишига доир маълумотларни йифиб боради ва уларни ҳар чоракда Жамиятнинг Ички назорат тузилмасига тақдим этади.

Жамиятнинг Ички назорат тузилмаси олинган маълумотларни таҳлил қиласи (жумладан, ўкув интизоми, ходимлар учун қийинчилик туғдираётган мавзулар ва тест саволлари) ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши тизимнинг амал қилиши ва ривожланиши масалалари бўйича доимий ҳисботларга киритилишини, шунингдек ўкув материаллари корректировка қилинишини (зарурат туғилганда) таъминлайди.

29. Ходим унга тайинланган ўкув ёки унинг натижалари бўйича тест синовларини белгиланган муддатларда ўтмаса, Кадрлар тузилмаси раҳбари бундай ходимнинг раҳбарини унга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида огоҳлантиради.

30. Ўқитиш жадвали, йўқлама варакалари, тест натижалари, ходим ўқиганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар Кадрлар тузилмасида сақланади.

8-боб. Якуний қоидалар

31. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатларидаги ўзгаришлар қиритилганда, коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш соҳасидаги илфор ҳалқаро амалиёт ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилади. Жамиятнинг Ички назорат тузилмаси мазкур Йўриқномага ўзгартириш қиритиш учун жавобгар ҳисобланади.

32. Жамият ходими эгаллаб турган лавозими, иш стажи, мавқеи ва бошқа омиллардан қатъий назар мазкур Йўриқноманинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Давлат органлари ва Жамиятлари, уларнинг
ҳудудий ва таркибий бўлинмалари
ходимларининг этика ва коррупцияга қарши
курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил
қилиш бўйича йўриқномага илова

**Жамият тизими ходимларини коррупцияга қарши курашиш умумий ўқитишнинг
ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ**

Мавзу	Компонентлар
Коррупциянинг табиати	Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари; Коррупциянинг ижтимоий-хуқуқий ҳодиса сифатидаги мазмуни; Жамиятда коррупцияга муносабат.
Коррупцияга қарши курашишнинг хуқуқий асослари	Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик; Жамиятда коррупцияга қарши курашишга доир ички хужжатлар; Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт.
Жамиятда коррупцияга қарши курашиш усуллари	Жамиятдаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чора-тадбирлар шархи; Жамиятдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш; Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати; Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари; Маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Маъмурий тўсиқ ва бюрократизмни бартараф этиш; Коррупциявий ҳаракатлар/уларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар; Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари).
Коррупциявий хавф-	Жамиятдаи хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларнинг асосий турлари;

Мавзу	Компонентлар
хатарлар ва типик коррупциявий ҳаракатлар	<p>Назорат-рухсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Совғалар ва ишбилиармонлик мөхмөндүйстлиги белгилари бериш/олишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Ходимларни Жамиятга танлаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Турли хизмат турлари, функциялар учун лицензия бериш, шунингдек лицензия битимлари талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Биноларни ижарага бериш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Ўзаро ҳамкорлик ва тасарруфий Жамиятлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Танловлар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Турли хужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек улар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Жамият фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар.</p>
Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик	<p>Коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик;</p> <p>Коррупциявий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик;</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг коррупциявий ҳаракатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шарҳи.</p>
Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти роли	<p>Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида;</p> <p>Фуқароларнинг ҳуқукий маданиятини ошириш;</p> <p>Коррупцияга қарши жамоатчилик фикри ва хулқ-атворини шакллантириш;</p> <p>Фуқаролик жамияти институтларининг Жамият билан ўзаро ҳамкорлиги.</p>

